

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигида маънавий-маърифий ишларнинг янги тизимини яратиш бўйича 2022 йил учун тасдиқланган “Йўл харитаси”га биноан агентлик ҳузуридаги “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази” аёллари учун маърифий тадбир ташкиллаштирилди.



Тадбирга таклиф этилган Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани расмий отини Ташходжаева Феруза бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етиш, жамиятга, эл-юртга керакли инсон бўлиш учун зарур бўлган омиллардан асосийси илм-маърифат эканини таъкидлади. Айнан илм туфайлигина инсон ўзини ислоҳ эта олиши мумкинлигини, маърифатпарварлар қолдириб кетган маънавий хазина улкан билим манбаи эканига алоҳида урғу берилди.



“Мангуликка даҳддор ватанпарварлар” мавзусидаги давра суҳбатлари агентлик директори маслаҳатчиси Муҳаббат Ибрагимова ташаббуси билан ташкил этилди.

